O‘ZSUVTA’MINOT
“Jizzax suv ta’minoti” MCHJ

CERT INTERNATIONAL ISO 9001 ISO 37001 CERTIFIED

31.10.22 № 278

# ТЕХНИК ШАРТ

## Ичимлик сув тармоқларини лойиҳалаш учун

**I. Объект ҳақида маълумот.**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йил ПҚ-408-сонли қарорига асосан, “Жиззах шаҳар “Улуғбек” МФЙ ҳудудидаги А. Юкнакий ва Зомин кўчасидаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш”.

**II. Жойлашган жойи.**

2.1. Жиззах шаҳар “Улуғбек” МФЙ ҳудуди

**III. Шартлар.**

3.1. Ичимлик сув таъминоти бўйича

- Уланиш нуқтаси “Улуғбек” МФЙдаги мавжуд тармоқдан уланиш амалга оширилсин.

- 1,8 км ичимлик суви тармоғини тўлиқ реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш. Ичимлик суви тармоғининг ҳақиқий (аниқ) узунлиги, тармоқнинг диаметри, ҳамда қўшимча керакли ускуналар ўрнатиш ишларига лойиха–смета хужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида аниқлик киритилади.

- сув қабул қилиш камераси ўрнатиш, ҳисоблаш жойи (узел) (Ултразвуковой счётчик на передачи данных)да онлайн орқали маълумотларни базага узатувчи сув ўлчаш воситаси ўрнатилсин;

- ичимлик суви тармоғи лойиҳаси ШНҚ 2.04.02-2019 “СУВ ТАЪМИНОТИ ТАШҚИ ТАРМОҚЛАР ВА ИНШООТЛАР” талаблари асосида ишлаб чиқилсин.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 194-сонли қарорига асосан:

- Бириктирилаётган объектларнинг сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш лойиҳалари берилган техник шартлар талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

- Лойиҳалаш жараёнида юзага келган техник талаблардан чекиниш зарурияти “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ билан қўшимча равишда келишилади.

- “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ олинган уланишга техник шартлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти II ёки III гуруҳ истеъмолчилари буюртмаси бўйича нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ уланиш лойиҳасини ишлаб чиқади.

- “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ ташкилоти томонидан берилган техник шартларни бажариш II ва III гуруҳ истеъмолчи (буюртмачи)лари ҳамда сув таъминоти ва оқова сувни оқизиш лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

- Барча лойиҳалар келишилиши ва улар бўйича, белгиланган тартибда давлат экспертиза органларининг хулосаси олиниши шарт.

- Ишлаб чиқилган лойиҳани лойиҳа ташкилоти ёки II ва III гуруҳ истеъмолчи (буюртмачи)си икки нусхада “Жиззах сув таъминоти” МЧЖ келишиш учун топшириши шарт.

- Сув таъминоти тизимига уланиш лойиҳаси топографик сурат асосида лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилиши ва унда қуйидагилар мавжуд бўлиши шарт:

участканинг барча мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган ер ости иншоотлари акс эттирилган, уларнинг жойлашиш чуқурлиги кўрсатилган, 1:500 масштабдан кам бўлмаган бош режаси;

сув ўлчаш узеллари жойлаштирилган хонанинг ичимлик сув тизимлари ва қурилмалари билан 1:50 — 1:100 масштабда акс эттирилган режаси;

ичимлик сув қувурини киритиш ва сув ўлчаш узеллари ҳамда қудуқ ва камераларининг 1:10 — 1:20 масштабдаги иш чизмалари;

хўжалик-маиший, ёнғин хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш-техник эҳтиёжлар учун максимал кунлик ва соатлик сув сарфи баланси кўрсатилган ҳисоб-тушунтириш хати.

- Сув ташлаш тизимига уланиш лойиҳаси топографик сурат асосида лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилиши, у қуйидагиларни қамраб олган бўлиши лозим:

участканинг барча мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган ер ости иншоотлари акс эттирилган, уларнинг жойлашиш чуқурлиги кўрсатилган, 1:500 масштабдан кам бўлмаган бош режаси;

қувурлар диаметри, ер юзаси белгилари кўрсатилган, мавжуд ёки ўтказилиши режалаштирилаётган қувурлар, лойиҳалаштирилаётган канализация линияларининг ён томондан кўриниш кесмаси;

ер ости иншоотлари (диаметри билан кўрсатилган ҳолда) билан кесишиш нуқталари ва белгилари. Кўндаланг кесмалар вертикал бўйича 1:100 масштабда ва горизонтал бўйича 1:100дан 1:1000гача бўлган масштабда тақдим этилади;

3.3. Ичимлик сув таъминоти лойиҳаси Давлат экспертизасига топширилишидан аввал “Жиззах сув таъминот” МЧЖ билан келишилсин.

3.4. Қувурни тармоққа улашда “Жиззах сув таъминот” МЧЖ Жиззах шаҳар филиалидан вакил чиқирилсин.

**IV.Қўшимча маълумотлар.**

4.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йил ПҚ-408-сонли қарорига асосан қурилиш таъмирлаш ишлари белгиланган ҳудуднинг аҳолиси сони 720 нафар. Кунлик ичимлик суви талаби 57,6 $м^3$/суткани ташкил этади. Техник шарт Жиззах шаҳар филиалининг 29.10.2022 йил 148-сонли техник тавсияномасига асосан тақдим этилди.

4.2. Техник шарт муддати 2 йил.

**Директор биринчи ўринбосари** **Д.Зиёев**